



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАМБАГАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФААСИГА
КҮМАКЛАШУВЧИ “ВАТАНПАРВАР” ТАШКИЛОТИ МАРКАЗИЙ
КЕНГАШИ

**Ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган ҳамда
хуқуқбузарликка мойил ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида
тарбиялаш ва ўқитиш бўйича “Жасорат мактаби” ҳарбий-
ватанпарварлик ўкув йигинини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош кўмандони Ш. Мирзиёевнинг 2023 йил 13 январь Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида “Жиззах тажрибаси” асосида профилактик ҳисобида турган ҳамда тарбияси оғир ёшлар билан “Жасорат мактаби” ҳарбий-ватанпарварлик ўкув йигинларини ягона ёндашув асосида бошқа вилоятларга татбиқ этиш бўйича берган топшириклари ҳамда жорий йил 14-15 февраль кунлари Жиззах вилоятида ўтказилган республика амалий семинари натижалари, семинар иштирокчиларининг таклиф ва тавсияларини инобатга олган ҳолда, ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган ҳамда тарбияси оғир ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ўқитиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши **қарор қиласди**:

1. 2023 йилдан бошлаб, республика бўйича профилактик ҳисобида турган ҳамда тарбияси оғир ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ўқитиш бўйича “Жасорат мактаби” ҳарбий-ватанпарварлик ўкув йигинини (кейинги ўринларда ҳарбий ўкув йигини деб юритилади) ташкил этиш йўлга кўйилсин.

2. Куйидагилар:

Профилактик ҳисобида турган ҳамда тарбияси оғир ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ўқитиш бўйича ҳарбий ўкув йигинини ташкил этиш низоми 1-иловага;

ҳарбий ўкув йигинини ташкил этиш бўйича масъул вазирлик ва идоралар вазифалари 2-иловага;

ҳарбий ўкув йигинини ташкил этишнинг намунавий дастури 3-иловага;

ҳарбий ўкув йигинини ташкил этиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Республика ташкилий қўмитаси таркибига киритилган вазирлик ва ташкилотларнинг, худудий тузилмалари ҳарбий ўкув йифинини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъуллиги белгилансин.

4. Ўтказиладиган тадбирлар оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилсин.

5. Ҳарбий ўкув йифинини ўтказишга масъул вазирлик ва ташкилотларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан мувофиқлаштириб борилсин.

6. Кўшма қарор ижросининг назорати масъул вазирликларни ва идораларнинг тегишли бўлимлари зиннисига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазири ўринбосари

Тошкент ш.

2023 йил “16” марта
14/722 -сон

Х. Қаршиев

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири ўринбосари

Тошкент ш.

2023 йил “16” марта
7 -сон

Б. Абдуллаев

Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
биринчи ўринбосари

Тошкент ш.

2023 йил “16” марта
01-07-03 -сон

А. Сайдуллаев

Ўзбекистон Республикаси
Камбағалликни кисқартириш ва
бандлик вазирининг биринчи
ўринбосари

Тошкент ш.

2023 йил “16” марта
2-K/K -сон

Н. Хусанов

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаасига қўмаклашувчи
“Ватанпарвар” ташкилоти марказий
кенгashi раисининг биринчи
ўринбосари

Тошкент ш.

2023 йил “17” марта
7/136 -сон

Н. Мулабаев

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт
вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни
қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон

Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи
“Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши
томонидан 2023 йил 16 марта
имзоланган қарорга 1-илова

**Профилактик ҳисобда турган ҳамда тарбияси оғир ёшларни ҳарбий-
ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ўқитиш бўйича “Жасорат
мактаби” ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинини ташкил этиш ва
ўтказиш бўйича
ТАРТИБИ**

“Жасорат мактаби” ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинининг (кейинги ўринларда ҳарбий ўқув йиғини деб юритилади) асосий мақсади ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган ҳамда тарбияси оғир ёшларни (кейинги ўринларда профилактик ҳисобда турган ёшлар деб юритилади) Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларда уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, келгусида касбга йўналтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда таъсирчан чоралар кўрилиши оқибатида профилактик ҳисобдан чиқиш ва соғлом турмуш тарзида хаёт кечиришга кўмаклашишдан иборат.

Шунингдек, барча ҳарбий-маъмурий секторларда профилактик ҳисобда турган ёшлар билан ўтказиладиган ҳарбий-ватанпарварлик йиғинларини ташкил этишда “Жиззах вилояти тажрибаси”ни кенг татбиқ этиш, ўқув йиғини ташкил этишда ягона ёндашувга эришиш ҳамда мутсадди вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотларини кенг жалб этишдан иборат.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий Кенгаши ва уларнинг худудий бўлинмалари (кейинги ўринларда ташкилотчилар деб юритилади) профилактик ҳисобда турган ёшларни ҳарбий ўқув йиғинига мазкур Тартиб асосида жалб этишни амалга оширади.

2. Профилактик ҳисобда турган ёшларни ҳарбий ўқув йиғинига жалб этиш борасидаги тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилиб борилади.

3. Ҳарбий ўқув йиғинларига жалб этилган ёшларни ўқув йиғини якунига кўра, касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш ҳамда хулқатворининг ижобий томонга ўзгариши кузатилган тақдирда муддатидан олдин профилактик ҳисобдан чиқариш чоралари кўрилади.

4. Ҳарбий ўқув йиғини алоҳида дастур доирасида амалга оширилиб, давомийлиги ўн кундан иборат бўлади.

II. Ўқув йиғини доирасида ўтказиладиган лойиҳа ва тадбирлар

5. Ҳарбий ўқув йиғини қўйидаги йўналишларда ташкил этилади:

Ҳарбий ўқув йиғинига старт бериш;

йиғин иштирокчилари билан социометрик сўровнома ўтказиш;

ҳарбий ўқув йиғинини дастури билан таништириш, гурӯхларга ажратиб, машғулотлар ташкил этиш.

6. Ҳарбий ўқув йиғинида қўйидаги профилактик тадбирлар ташкил этилади:

миллий ватанпарварлик фильмлари намойишини ташкил этиш;

маънавий-маърифий билимларни ошириш бўйича семинар ўтказиш;

“Заковат” интеллектуал ўйинини ташкил қилиш;

“Қувноқлар ва зукколар” танловини ўтказиш;

вақтни тўғри тақсимлаш, ўз-ўзини ривожлантириш ва мотивацион семинар-тренинг ўтказиш;

юксак тажрибали, муваффақиятга эришган шахслар ва ёшлар учрашувларини ўтказиш;

тарихий воқеалар саҳналаштирилган театр намойишини ташкил қилиш;

музей, маданий ва тарихий обидаларларга саёҳат;

саф тайёргарлиги;

жанговар тайёргарлик машғулотлари;

спорт-соғломлаштириш мусобақалари;

ўқув йиғинининг тантанали ёпилиш маросими.

7. Ҳарбий ўқув йиғини давомида юзага келган ҳолатлардан келиб чиқиб, ташкилотчилар томонидан бошқа тадбирлар ҳам ўтказилиши мумкин

8. Ўқув йиғинига старт бериш:

Ўқув йиғини иштирокчилари худудларда жойлашган Ёшлар марказларида масъул ташкилотлар билан биргалиқда кутиб олинади ва ҳарбий қисмга олиб борилади. Шунингдек, иштирокчилар тиббий қўриқдан ўтказилиб, ҳарбий кийим-кечак билан таъминланади. Ўқув йиғинни тантанали очилиш маросимида дастур асосида буюк сиймоларни театрлаштирилган саҳна кўринишлар, спортчилар ва ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишилари намойиш этилади.

9. Ўқув йиғин иштирокчилари билан социометрик сўровнома ўтказиш:

Социометрик сўровномда йиғин иштирокчиларининг қизиқишилари, дунёқараши, руҳий кечинмалари ва ҳолати аниқлашга оид саволлар берилди, ҳар бирига алоҳида ташхис қўйилади. Натижадорликни баҳолаш мақсадида ушбу сўровнома йиғин бошланганда ва якунида бир мартадан мутахассис психологлар томонидан ташкил этилади ва баҳоланади.

10. Ўқув йигинини дастури билан таништириш, гурухларга ажратиб, машғулотлар ташкил этиши:

Ўқув йигини маъмурияти томонидан иштирокчиларга ўқув йигини дастури таништирилади ва ички тартиб қоидалари тушунтирилади ҳамда гурухларга бўлинади, ҳар бир гурухларга ном берилиб, гурух сардорлари тайинланади.

(1-4 гурухлар 100 нафар):

- 1-гурух “Ёш ҳаваскор тадбиркорлар гурухи”;
- 2-гурух “Ёш ИТ дастурчилар гурухи”;
- 3-гурух “Ёш агрономлар гурухи”;
- 4-гурух “Ёш дурадгорлар гурухи”.

11. “Миллий ватанпарварлик кинофильмлари намойиши”:

Ўқув йигин иштирокчиларининг ватанпарварлик, Ватанга садоқат туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилган миллий-ватанпарварлик, тарихий фильмлар намойиш этилади.

12. Маънавий-маърифий билимларни ошириш:

Йигин иштирокчилари учун “Жаҳон ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият тўғрисида умумий тушунча”, “Жалолиддин Мангубердининг жаҳон ҳарбий санъати ривожига қўшган ҳиссаси”, “Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ва жаҳон ҳарбий санъати ривожига қўшган ҳиссаси”, “Захриддин Муҳаммад Бобурнинг бой маънавий мероси”, “Ўзбек давлатчилигининг шаклланиш тарихи”, “Миллий маънавий мерос ва қадириятлар, уларнинг оммавий маданият билан муносабати” каби мавзуларда ўқув-дарслари ва ўзаро дебат муҳокамалари ташкил этилади.

13. “Заковат” интеллектуал ўйини:

Гурухларга бўлинган йигин иштирокчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ташкил этилади. Маънавий-маърифий, тарихий, мантиқий йўналишларда саволлар берилади.

14. “Кувноқлар ва зукколар” танлови:

Гурухларга бўлинган йигин иштирокчилари ўртасида “Кувноқлар ва зукколар” танлови ташкил этилади. Танловнинг биринчи шарти “Беш карра беш – йигирма беш” танишув шарти бўлиб, бунда жамоаларга ўзларини характерига эга бўлган кўринишлари, ҳазил-мутойиба, куй-қўшиқ, рақс ва бошқа сатирик-юмористик саҳна кўринишлари уйғунлашган ҳолда чиқишлиари тавсия этилади.

Иккинчи “Зукко, зийрак иштирокчи” савол жавоби шарти – жамоаларнинг жамоавий тартибда бир-бирларига қизиқ (мантиқий) саволлар бериши ва саволларга жавоб топишига асосланган.

“Бизда ҳаммаси 5” кувноқ чиқиши шарти – мусиқалар, қўшиқлар, таникли санъаткорлар қўшиқларига ўхшатмалардан кенг фойдаланган ҳолда ҳаётда учрайдиган турли қизиқ воқелик, иллат, камчиликлар кулгу остига олинган, тарбиявий хусусиятга эга театрлаштирилган лавҳалардан иборат бўлади.

Шартлар ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади ва ғолиб жамоа аниқланиб, йигиннинг ёпилиш маросимида тантанали тақдирланади.

15. Мотивацион семинар-тренинг ўтказиш:

Йигин иштирокчилари учун “Мувафақиятга эришиш сирлари” мавзусида мотивацион семинар-тренинг ўтказилади. Психологик ўйинлар ташкил этилади.

16. Юксак тажрибага эга бўлган, муваффақиятга эришган шахслар билан ёшлар учрашувларини ўтказиш:

Ўкув йигини иштирокчилари учун “Ўзбекистон Қаҳрамони ва ёшлар”, “Сенатор (депутат) ва ёшлар”, “Прокурор ва ёшлар”, “Генерал ва ёшлар” учрашувлари (гулхан атрофида), “Авлодлар учрашуви” (энг намунали ҳарбий хизматчилар, Куролли Кучлар фахрийлари (мамлакат ривожига муносиб ҳисса кўшиб келаётган ҳарбийлар билан), “Тадбиркор ва ёшлар учрашуви”ни ташкил этилади.

17. Тарихий воқеалар саҳналаштирилган театр намойишини ташкил қилиш:

Ўкув йигини иштирокчилари учун буюк аждодларимиз қаҳрамонликлари акс этирилган театрлаштирилган саҳна кўринишларини намойиш этилади.

18. Музейларга саёҳатни ташкил қилиш:

Ўкув йигини иштирокчиларини ҳудудларда жойлашган қишлоқ хўжалиги, табиатшунослик, санъатшунослик, адабиёт, техника музейларига олиб борилади ва батафсил маълумотлар берилади.

19. Саф тайёргарлигини ўтказиш:

Ўкув йигини иштирокчиларига ҳарбийлар томонидан сафда туриш ва унинг элементлари ўргатилади ва машқ қилинади.

20. Жанговар тайёргарлик машғулотларини ўтказиш:

Ўкув йигини иштирокчиларига ҳарбийлар томонидан куролдан фойдаланиш, отиш назарияси, муҳандислик, ОҚҚҲ, ҳарбий топография, алоқа жараёнлари ўргатилади. Амалий ўқ отиш тренажор машқлари амалий ташкил этилади. Ҳарбий билимлар берib борилади.

21. Спорт мусобақаларини ўтказиш:

Ўкув йигини иштирокчиларини жисмоний фаоллигини ошириш, улар ўртасида дўстона муносабатни ўрнатиш мақсадида гурухлар ўртасида Округ кўмондони кубоги учун ҳарбий эстафета мусобоқалари, “Миллий кураш” тури бўйича вилоят ДХХ бошқармаси бошлиғининг соврини учун мусобақа, “Минни футбол” тури бўйича вилоят ҳокими соврини учун мусобақа ўтказилади. Ғолиблар йигиннинг ёпилиш маросимида эсталик совғалари билан тақдирланади.

22. Йигиннинг тантанали ёпилиш маросимини ўтказиш:

Ўкув йигини давомида фаол иштирок этган, ўтказилган мусобоқаларда ғолибликни қўлга киритганларни тақдирлаш маросими ва концерт дастури алоҳида режа-дастур асосида ташкил этилади. Йигин давомида ҳар бир йигин иштирокчиси тўғрисида тўпланган маълумотлар асосида касб-хунар

мактаблари, ёшлар марказларида ташкил этилган тўгаракларга йўланма берилади. Фотосессия ташкил этилиб, йигин иштирокчиларни кузатилади.

III. Якуний қоидалар

23. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларда **ўн кун** давомида (*келишилган тартибда*) ўтказилади.

24. Ҳарбий ўқув йигини бўйича ишчи гурухлар тузилиб, танлов ва мусобақаларда ҳакамлик қилиш учун малакали эксперт ва мутахассислар жалб этилади.

25. Ҳарбий ўқув йигинида гурухларнинг йўналишлари бўйича туманлардан шакллантирилган 4-6 нафардан ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган ҳамда ҳуқуқбузарликка мойил ёшлар иштирок этади.

26. Ҳарбий ўқув йигинини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

27. Ҳарбий ўқув йигини иштирокчилари учун ташкилотчилар томонидан спорт кийимлари ва қўшимча совғалар ажратилади.

28. Ҳарбий ўқув йигинида ташкил этиладиган танлов ва мусобақалар ғолиблари (1-3 ўрин), тадбир ҳамда лойиҳаларда фаол иштирок этган ёшлар совғалар, шунингдек, диплом ва ташаккурномалар билан рағбатлантирилади.

29. Ҳарбий ўқув йигини жараёнлари оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение ва ижтимоий тармоқларда **максус медиа режа асосида ёритиб борилади**.

30. Йигин жараёни ва унда бўлиб ўтадиган тадбирларни ёритиш бўйича **кичик мобил гурухлар** фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт
вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси мудофаасига
кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий
кенгари томонидан 2023 йил 16 марта
имзоланган қарорга
2-илова

**Профилактик ҳисобда турган ҳамда тарбияси оғир ёшларни ҳарбий-
ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ўқитиш бўйича “Жасорат
мактаби” ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йигинини ташкил этиш ва
ўтказиш бўйича вазифалар**

ТАҚСИМОТИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

“Жасорат мактаби” ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йигинини
ўтказиладиган ҳарбий қисм ва муссасаларни ажратиш;

Ҳарбий қисмда (муассаса) да ёшлар билан йигин ўтказиш бўйича 7 кун
олдин йигин маъмуряти таркибини шакллантириш;

Йигин иштирокчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш;

Йигинни ҳарбий анъаналар асосида тантанали очилиш маросимини
ташкил этиш;

Йигиндан сўнг ёшларни диққатга сазовор жойлар ва музейларга
саёҳатини, ҳарбий қисм ва муассасаларда “Очиқ эшиклар куни”ни ташкил
етиш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда профилактик ҳисобида
турган, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган 18 ёшдан 23 ёшгача
бўлган ёшлар рўйхатини ҳар чорак охирги ойининг 15 санасига кейинги чорак
учун шакллантиради;

Шакллантирилган рўйхат бўйича ўқув-йигинига жалб этилган ёшларни
ўқув-йигинига олиб боришда ва олиб келишда йўл ҳаракати хавфсизлигини
таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги:

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан худудий ички ишлар органига
“Жасорат мактаби” ҳарбий-ўқув йигини бошланиши тўғрисида йигин
бошланишидан уч кун олдин хабар беради;

Махалла фуқаролар йигини раиси, ёшлар етакчisi ва профилактика
инспектори томонидан йигинга юбориладиган ёшлар рўйхатини

шакллантиради ва уларнинг ота-оналари билан тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилади. Ёшларни йиғинга жалб этишга Ёшлар етакчиси масъуллигига амалга оширилади;

“Жасорат мактаби” ўкув йиғинини ташкиллаштириш юзасидан вилоят Ёшлар ишлари агентлиги ва туман (шаҳар) ҳокимларни идора ва ташкилотлар масъуллари иштирокида таъсис йиғилишни ташкиллаштириш, зарур топшириқ ва вазифаларни белгилаш (вилоят ҳокимининг тегишли баён топширигини ишлаб чиқиш);

“Жасорат мактаби” ҳарбий-ватанпарварлик ўкув йиғинини иштирокчиларни вилоят (шаҳар) марказларига олиб келиш ҳамда рўйхатга олиш;

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда йиғин иштирокчиларини йиғин ўтказилиши белгиланган жойга (ҳарбий қисмга) йўл ҳаракати ҳавфсизлиги хизмати кузатувида олиб бориш;

Йиғин иштирокчиларини йиғин ўтказилиши белгиланган жойда (ҳарбий қисмда) ҳарбий оркестр садолари остида кутиб олиш;

“Жасорат мактаби” ўкув йиғинини дастури билан таништириш, йиғин иштирокчиларини қизиқиши ва истакларини инобатга олиб, мутахассисликлар бўйича гуруҳларга бўлиш, гуруҳларни номлаш, гуруҳ сардорларини тайинлаш ҳамда ўкув йиғини маъмурияти томонидан ички тартиб қоидаларни етказиш;

Ўкув йиғини иштирокчилари билан социометрик сўровнома ўтказиш ва “Менинг ўлкам – менинг фахрим” мавзусида маънавий-марифий учрашувлар ўтказиш;

“Мувафақиятга эришиш сирлари” мавзусида муваффакиятларга эришган йирик тадбиркорлар, таниқли спортчилар иштирокида мотивацион семинар-тренинг ўтказиш ва музей, маданий ва тарихий обидаларларга экскурсиялар уюштириш;

Ҳарбий ўкув йиғини иштирокчилари учун спорт кийимларини ажратиш;

Ҳарбий ўкув йиғинидан сўнг ёшларни меҳнат фаолиятини ва ўқишини мониторингини юритиш.

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги:

“Жасорат мактаби”нинг қисқа муддатли йиғинларга жалб этилган ёшлардан ишсиз фуқароларни ҳудудларда жойлашган “Ишга марҳамат” мономарказларида ўқувларни ташкил қилиш;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимлари томонидан тегишли тартибда ўйлланмалар бериш;

“Жасорат мактаби” тингловчилари ҳудудий меҳнат бозорининг талабидан келиб чиқсан ҳолда куйидаги ўкув курсларга жалб этиш:

1. Электрик;
2. Пайвандлаш;

3. Сартарош (эркаклар сартароши);
4. Сантехник;
5. Алюмин ва пластик профилларга ишлов бериш;
6. Маиший хизмат буюмларини таъмирлаш;
7. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш;
8. Мебель жихозларини таъмирлаш;
9. Иссикҳона монтаж технологи;

Ўқув йигини давомида тугалланмай қолган курсларни мономарказларда давом этиш ва якунлаш;

Ўқув курсларини тугатган “Жасорат мактаби” тингловчиларига худудий “Ишга марҳамат” мономарказларининг сертификатини тақдим этиш;

Ўқув йигинларидан сўнг ёшларни иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида шаҳар (туман) сектор раҳбарларига бириктириш;

Шаҳар (туман) секторлар билан биргаликда ўқув курсларини муваффақиятли тугатган “Жасорат мактаби” тингловчиларни бандлигига кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши:

“Жасорат мактаби” ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йигини ўтказиладиган ҳарбий қисм ва муассасаларда ёшлар учун “**Ватанпарварлик – олий мақсадим!**” шиори остида “Ватанпарвар” ташкилоти тизимидағи спорт секциялари ва тўгаракларининг ҳамда техник касбларга тайёрлаш бўйича ўқув курслари моддий техник базасининг кўргазмаси намойишини ташкил этиш.

“Жасорат мактаби” битирувчилари орасидан “B, C” тоифали автомототранспорт воситалари ҳайдовчилигига ўқиши истагини билдирган ёшларни “Ватанпарвар” ташкилоти тизимидағи ўқув курсларига Ёшлар ишлари агенлиги хузуридаги “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари хисобидан ўқишга йўналтириш.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги,
 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги,
 Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт
 вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси
 Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги,
 Ўзбекистон Республикаси мудофаасига
 кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий
 кенгаши томонидан 2023 йил 16 марта
 имзоланган қарорга
 3-илова

**Ёшлар билан “Ватанпарварлар” ҳарбий-спорт мусобақаларини
ташкил этиш ва ўтказиш**
НАМУНАВИЙ ДАСТУРИ

Сана ____ ой ____ кун ____	
08:00 гача	Мусобақа иштирокчиларини белгиланган жойда кутиб олиш ва жойлаштириш
Сана ____ ой ____ кун ____	
08:00-08:30	Иштирокчиларни мусобақа ўтказиладиган манзилга олиб бориш
08:30-12:00	Ҳар бир босқичга алоҳида старт бериш
12:00-13:00	Эстрада ва кино юлдузлари билан учрашувлар ташкил этиш
13:00-14:00	Тушлик
14:00-16:00	Ҳар бир босқичга алоҳида старт бериш
16:00-18:30	<p>Тадбирнинг асосий маросими: Тадбирни очиб бериш _____ – тегишли ташкилий кўмита аъзоси Табрик сўзи: _____ – Маҳаллий ҳокимлик вакили Табрик сўзи: _____ – Худудий Мудофаа бошқармаси вакили </p>
18:30	Мусобақа ўтказилган жойидан _____ га барча ўйин иштирокчиларини олиб келиш
20:00	_____дан ўйин иштирокчиларини худудларга кузатиш.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги,
 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги,
 Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт
 вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси
 Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги,
 Ўзбекистон Республикаси мудофаасига
 кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий
 кенгаши томонидан 2023 йил 16 марта
 имзоланган қарорга
 4-илова

**Ёшлар билан “Ватанпарварлар” ҳарбий-спорт мусобақаларини ташкил
етиши ва ўтказиш бўйича Республика Ташкилий қўмитаси
ТАРКИБИ**

1.	Ҳ.Қаршиев	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ўринbosари, Ташкилий қўмита раиси
2.	Б.Абдуллаев	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринbosари, Ташкилий қўмита раисининг ўринbosари
3.	А.Саъдуллаев	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг биринчи ўринbosари, Ташкилий қўмита раисининг ўринbosари
4.	Н.Хусанов	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринbosари, Ташкилий қўмита раисининг ўринbosари
5.	Н.Мулабаев	Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринbosари, Ташкилий қўмита раисининг ўринbosари

Ташкилий қўмита аъзолари

6.	Х.Халилов	Мудофаа вазирлиги бош бошқарма бошлиғи
7.	Б.Султонов	Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи
8.	А.Муминов	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги бўлим бошлиғи
9.	Ф.Ҳамроев	Бандлик ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринbosари
10.	А.Исраилов	Мудофаа вазирлигига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши бўлим бошлиғи
11.	А.Алимов	Ёшлар ишлари агентлиги бўлим бошлиғи, Ташкилий қўмита котиби

Изоҳ: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринbosарлари Ташкилий қўмита аъзолари хисобланади.

Ташкилий қўмита аъзоларининг лавозими ва иш жойи ўзгарганда, янги тайинланган номзод Ташкилий қўмита таркибига киритилади.